

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 67 (7.060). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ҚАРОРИ

# Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004-2009 йилларда Мактаб таъминоти ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари талаб даражасида такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, "Меҳрибонлик" уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тарихида жорий этилмоқда.

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондириши ҳисобга олган ҳолда бутун республика ҳудудига чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизминини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида хар йили ўтказиладиган ихтисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Ўқитобсавдо" ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хар йили октябр-ноябр ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларнинг ўқувчилари учун дарсликлар хар йили, 2-4-синфлар учун - икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун - тўрт йилда бир марта янгиланади.

Узлуқсиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С.Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарслик-

ларни экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгиланиши белгиланган муддатга риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмунини асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хар йили 1 декабрдан кейинги ўқув йилига таъминлаш этиладиган дарсликлар рўйхатини, шунингдек янгиланган вариант чиқарилгани муносабати билан бекор қилинган дарсликлар рўйхатини ота-оналарга маълум қилишни;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

набатдаги ўқув йили учун ўқитиладиган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўтказиш натижасида маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқариш ва сотишга прогноз квоталари шакллантирилиши таъминласин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда хар йили шакллантириладиган прогноз квоталари асосида хар йили 1 июлда қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқарилишини ташкил этишни таъминласин;


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг нашриёт расмийлаштируви ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати давомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни нашр этиш чоғида фойдаланадиган қоғоз ҳамда бошқа матбаа материалларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан талаблар оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

матбаа корхоналарида ўрнатилган стандартларга риоя этилиши устидан самарали ички назорат механизминини жорий этсин.

5. "Ўқитобсавдо" ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туман марказларида аҳолига дарсликлар сотиш учун ихтисослаштирилган ярмарка-савдо шохобчалари ташкил этилишини таъминласин, шунингдек олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдосини ташкиллаштириш чора-тадбирларини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактаблари кутубхона фондларидан ўқувчиларга дарсликларни ихтиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда)



Мустиқиллик йилларида юртимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу боис ёшларимиз спортининг барча турлари бўйича юқори натижага эришиб келмоқда. Шахрисабзлик Улугбек Расулов ҳам тазкван-до билан шугулланиб, қатор беллашувларда фаол иштирок этди. Хусусан у бу йилги 9-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Шахрисабз очиқ чемпионатида 26 килограмм вазн тоифасида чемпионлиқни қўлга киритди.

Суратда: Улугбек Расулов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг республикамиздаги барча фермер хўжаликлари раҳбарларига, маҳалла фаоллари ва ёшларга МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар! Кейинги йилларда аграр соҳанинг барча тармоқларида бўлгани сингари галлаликда ҳам ижобий ўзгаришлар қўлга киритилмоқда. Галлачиликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бориб, фермер ва аҳоли хонадонлари донга тўлмоқда.

Республикада 87 мингдан ортиқ дон етиштирувчи фермер хўжаликлари 1 миллион 35 гектар майдонга баракка уруғларини қадаб, айни кунларда машаққатли ва шарофтли меҳнатлари ҳисобига яратилган ҳосилни ўриб-йиғиб олишга киришни арафасида турибди.

Амалга оширилган ишлар натижасида галла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айни пайтда энг катта бойлигимиз бўлган ерни асраб-авайлашда, галласи ўриб олинган майдонларда сомонга ўт қўйиб юборишдек ноҳиж хатти-ҳаракатлар ҳам содир бўлмоқдаки, айрим мутасаддилар бу салбий иллатларни турли баҳоналар билан жаспушашга, ҳатто болаларга тўнкашга ҳаракат қилмоқдалар. Эндликда ер эгаси бўлган фермерларни, қишлоқ ва маҳалла фаолларини, кенг жамоатчилиги ва ёшларни ерни, она табиатни ҳар қачонгидан ҳам асраб-авайлашга чакирамиз. Зеро, Она Ер барчамиз учун азиз ва муқаддасдир.

Бугдойполларни ёқиш, энг аввало, чорвачилиқнинг муҳим озуқаларидан бири бўлган сомоннинг нобуд бўлишига, табиатнинг ифлосланишига, экологик мувозанатнинг бузилишига, ҳосилдор тупроқ қатламнинг зарарланишига, фойдала ҳашаротлар қирилиб кетиши ва, охир оқибатда, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатишига олиб келмоқда.

Мутасаддиларнинг фикрича, минг гектар майдондаги бугдойполдаги ёқиб юборилган сомон атмосферага 500 килограмм азот оксиди, 379 килограмм углеводород, 3 тонна

кул, 20 тонна ис ва тутун газларини чиқаради ва, энг ачинарлиси шуки, сомоннинг ёқиши натижасида 1,5-3 миллион донагача турли микроорганизмлар ўлади, тупроқ таркиби бузилади. Олов ёқиши натижасида ер майдонини атрофидаги дов-дараклар жиддий зарар кўради, маданий-маиший бинолар, электр тармоқлари шикастланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мавжуд фермер хўжаликлари томонидан бошқали дон экилган ер майдонларидан 4 миллион 500 минг тоннадан ортиқ сомон олинади. Бу, ҳисоб-китобларга кўра, 275 минг бошдан ортиқ чорва молларини бир йил давомида озиклантиришга етади.

Бу йилги галла ўриш-йиғим мавсумида республикамиз раҳбарияти бундай бепарволикка, ўзибўларчилик ва бошбошдоқликка бутунлай чек қўйишга қарор қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил галла ҳосилини тез ва сифатли йиғиштириб олиш тўғрисидаги қарорида бугдойполларга ўт қўйиш, сомонни ёқиш каби ярамас иллатга мутлақ барҳам бериш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгила-

ниб, вилоятлар ва туманлар, тегишли идоралар раҳбарлари ва мутасаддилар зиммасига аниқ топшириқлар ва йўлнамалар берилди. Бугун Сиз азиз фермерларга, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг фидойи мутасаддиларига, ҳуқуқ тартибот идораларининг жонқуяр ходимларига, кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларимизга мурожаат қиламиз.

Сизни кийинтираётган, ризк-насибанингни инъом этаётган табарук ерни асраб-авайлаш, унинг ҳосилдорлигини, унумдорлигини сақлаб қолиш учун сомонга ўт қўймаслик зарур чора-тадбирларни кўриш сизга ва бизга ҳам қара, ҳам фарз. Сиз галладан бўшган майдондаги сомонни нест-нобуд қил-

май пешма-пеш йиғиштириб олсангиз, ҳам моддий, ҳам маънавий фойда қўришингизни энг хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда ўта ҳушёр ва талабчанлик билан фаолият кўрсатишингиз Сиз - табиатни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг муқаддас бурчингизга айланмоғи даркор.

Маҳалла фаоллари, ёшлар - сизлар эса галладан бўшган майдонлардаги сомонни йиғиштириб олишда фермерларга елкадош, қумқаддош ва мададкор бўлсангиз, нафакат саховат, ҳиммат кўрсатган бўласиз, балки моддий маънаводорликка эришиб, хонадонингиз молиявий аҳолини яна ҳам яхшилашга ҳисса қўшин бўласиз. Иккинчи томондан эса, сиз бу билан чорвачилиқни беминнат озуқа билан таъминлашни яхши-лашга, айниқса, чорва қишлоқдан тўқ ва бетафолт олиб чиқишига, алаб-оқибат эса халқимиз дастурхонининг гўшт, сут, қатиқ каби фойдаланиш маҳсулотлар билан янада тўқин-сочин бўлишига муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

Азиз дўстлар! Сомонни ёқиш заҳматли меҳнат эвазига, табиат инъом этган бебаҳо неъматини топ-таш билан тенгдир. Чунки, сомонни ёқиш ерга хиёнат, элга хиёнат, табиатга хиёнатдир! Сомонни ёқишдек ноҳиж хатти-ҳаракат оқибати ноқўрликдир.

Увонли билмаган кимса Яратганини қарғишга, элнинг нафратига дучор бўлиши тайин! Она заминимизни кўз қорачиқдек асрайлик, уни келгуси авлодларга бекам қўйс, қолдиз, беғубор ва шафқат ҳолда етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу она ер, шу мўътабар тупроқ Яратганини авлодлардан авлодларга ўтиб келаятган омонатидир. Омонатга ҳеч қачон хиёнат қилинмаган.

# Мўъжиза ҳар кунни рўй беравермайди

**Зайцев номидаги гўза селекцияси ва уруғчилиги институти аспирантурасини тугатган ёш олимни Сурхондарё пахтачилик тажриба станциясига илмий котиблик вазифасига юбормоқчи бўлишди. Аухат рад этди. "Котиблик менга тўғри келмайди, институтнинг селекцияси ва уруғчилиги бўлимида ўқиганман, шу соҳада ишламан", деди. Ўз фикрида қатъий туриб олгач, қайси вилоятда бўш ўрин борлигини сўраб-суриштирдилар. Тасодифи қарангки, пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Бухородаги филиали селекция бўлимида бўш ўрин бор экан.**

Аухат йўлга шайланди. Чўнтакда эса бир мири йўқ. Институтга борди. Амал-такал қилиб йўл кира беришди. Қайтариш шарти билан, албатта. Ушанда 1941 йилнинг майи эди. Аухат Когон темир йўл бекатида келиб тушган кунини яхши эслайди. Бор-йўқ бисоти - икки қол уруғлик чигитни елкалаб манзилга етгани ҳам ёдида. Дарвоқе, ушанда ёғингарчилик кўп бўлиб, Бухорода экиш бироқ кечиккан экан. Аухат Тош-

кентдан келтирган чигитнинг бир қисмини тажриба ўтказиш учун ажратилган ерга экиди.

А.Батталов икки йил давомида гўзадан оқ палак касаллигини ўрганиши билан шугулланди. Кейин ингичка толали пахтанинг истикболли навларини яратиш бўйича изланиш олиб боришни таклиф қилишди. Бу давлат дастурига ҳам киритилди.

Тажрибадан маълумки, ингичка толали пахта етишти-



риш беҳад кўп меҳнатни талаб этади. Даромади эса нисбатан кам. Шу боисдан деҳқон ҳам ундан манфаатдор эмас. Нав устида изланиш давом этар экан, ёш олимда тайёр селекциячи мутахассис бўлмаси хўжаликларда саломоги кам бўлган ингичка толали пахта нави устидаги изланишлар билан чеклиниб қолганини, деган фикр тугилди. Охир-оқибат у давлат дастурига киритилмаган оқ пахта селекцияси билан бўш

# "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" танловига

вақтида ихтиёрий тарзда шугуллана бошлади. Сирасини айтганда, турлараро дургайлаб натижа олиш селекциянинг энг қийин усулидир саналади. Аухат шу усулни таллади. Узгалар юрмаган йўлни маъқул топди. Натижа ёмон бўлмади, деган ишонч, ўжар бир қатъий бор эди.

Лаборантларни ишга қабул қилганда ҳам селекционер "Биз дам олиш кунини деган фикрни ҳаёлимиздан чиқариш керак", деган шартни қўйди. Илмий изланиш одатда ҳузур-ҳаловатдан воз кечишни талаб қилади. Навда ҳисдорлик улушлари бўлган Мутал Барақаева, Нармина Бақирова (марҳум) ҳамда кейинчалик сафга қўшилган Зинат

Бақирова, Рухсат Рустамова-лар уни тўғри тушунишди, олимга елкадош бўлишди. Уларга ҳам қийин эди. Аммо асосий оқ бари бир Батталов зиммасига тушарди. Гап шундаки, оқ пахта селекцияси бўйича изланишлар ҳажими ингичка толали навадаги қараганда тўрт-беш марта кўп эди. Шунга қарамай, маош белгиланмаганди. Чунки оқ пахта бўйича давлат дастури асосида селекция ишлари олиб бораётган бошқа бир олимлар гуруҳи бор эди.

Турлараро дургайлаб натижа олиш муаммолари, нозик қирраларини ўрганишга саккиз йил вақт сарфланди.

Изланишлар самараси ниҳоят юзага чиқди. 1970 йилда ўтказилган чатиштирилган 14 йил ўтгач, учта нав яратилди. (Давоми 2-бетда)

# Июн ойи юмушлари

**Деҳқонлар учун авжи масъулиятли дамлар бошланди. Аслида тақдирини ерга болаган киши учун ўтаётган ҳар бир кун синов, имтиҳон. Лекин, барибир июн ойи юмушларининг масъулияти ўзгача. Негаки, пахта ҳосилининг 46 фоизи айни шу ойда шаклланади.**

Қолган 47 фоизи июлда, 7 фоизи эса август ойда бунёд бўлар экан. Демак, ҳосилнинг ушбу салмоқли қисмини яратиш учун чинакам меҳнат қилмоқ керак. Бунинг учун гўза парваришида интенсив технологиянинг афзаллиги яққол кўзга ташланаётди. Чунки бу усул қўлланилганда, тупроқда сув, ҳаво, иссиқлик, туз ва озик режими бутун амал даврида мўътадиллашди. Энг муҳими, гўзанинг ўсиб ривожланиши, ҳосилнинг пишиб-етилишини тезлаштиради. Интенсив технологиянинг талаби қандай дер-бу сиз? Оддий, гўза парварча иш-барча иш-экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган юмушлар илмий тавсияларда кўрсатилганидек ўз вақтида сифатли адо этилса бўлган. Интенсив технология рўёбга чиқади. Республикамиз пахтакорлари чигит қадашдан бошлаб, бугунгача бўлган тадбирларни оби-тобида бажариб келаятганликларини ҳисобга олсак, бу усул талаби баҳоли қудрат уқ-даланмоқда. Эндиги иш келгуси вазифалар ихросида, албатта.

Ақсарият далаларда мўл ҳосилга замин қўйилди, - дейди қишлоқ хўжалик фанлари доктори Р.Назаров. - Масалан, Ангор туманидаги "Сандов Лочин" фермер хўжалигида гўзалар ривожига 10-12 кун эрта. Фермернинг эйтишича, ўтган йили дастлабки гул июн ойининг биринчи ўн кунлигида қўринган бўлса, бу йил май ойининг ўрталарига тўғри келди. Чунки фосфорли ва азотли ўғитлар ўз вақтида берилиб, 5 майгача биринчи культивация қилиб бўлинган. (Давоми 2-бетда)


## Мавсум

**Ҳозир гўзалар биринчи суғга тайёрланмоқда. Лекин илгаригидек, 3-4 суткалаб суғориш, далаини қўллатиб юборишга йўл қўйиб бўлмайди.** Бу йилги талаб гўзани энгил, тез суғоришдан иборат. Бир гектар ер учун 800 кубометр сув меъёри белгиланган. Бу меъёрга эришиш учун ўқарикни 90-100 метрдан ортиқ олиш керак эмас. Далада сувчилар сони ҳам

## Оби ҳаёт қадри

қўпроқ бўлиши зарур. Ҳар литр сув эътиборда бўлиб, суғориш ишлари асосан тунда амалга оширилса янада яхши. Яна бир гап. Албатта, суғоришни шарбат усулида олиб бориш шарт. Бошқача айтганда, табиат синовлари биз учун янгилик эмас. Лекин сувчиларнинг ҳеч қачон бепарво бўлишига ҳаққи йўқ. **Урин АЛЛАЕВ, Ғузур туманидаги "Тўрт ўғлон" фермер хўжалиги сувчиси.**

# Замин тилсимини очаётганлар



## Жараён

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида Россия Федерацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенг қўламада ривожланиб бораётди. Жумладан, икки давлат ўртасида аграр тизимдаги алоқалар ҳам алоҳида эътиборга молик. Россия дунёда қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш бўйича энг етак-

## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

чи мамлакатлар сирасига киради. Хусусан, "Алтай" трактор заводи тамғаси билан савдога чиқарилаётган турли русумдаги тракторлар, агрегатларга талаб тобора ортиб бораётди. Бу корхонанинг сифатли, хар томонлама қўлай маҳсулотлари ўзбек деҳқонларининг кўп йиллик тажрибаларида синовдан ўтган. Айни пайтда ҳам бу техникалар мамлакатимиз далаларида минглаб деҳқон ва фермерларимизнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. (Давоми 2-бетда)

# Она бўлгин бизга табиат

Бу кун, яъни Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини Япония ва Сенегал делегацияларининг 1972 йил Стокгольмда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида жамоатчилик эътиборини табиат муаммоларига жалб қилишга мақсадидан тақлифига биноан ташкил қилинган. Ҳозирда ушбу сана бутун жаҳонда нишонланади.

Орадан 20 йил ўтгач, 1992 йил июн ойида Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТнинг конференцияси бўлиб ўтди.

Рио де-Жанейро конференцияси натижасида барқарор ривожланиш бўйича БМТ Комиссияси тузилди ва "XXI аср Кун тартиби" деб номланган тадбирлар режаси қабул қилинди. Бар-лананиш, БМТ Комиссияси концепциясида, "Келгуси авлод эҳтиёжини хатарда қолдирмаган ҳолда ҳозирги авлод эҳтиёжини қондириш" ривожланиш сифатида аниқланди.

Шунингдек, конференцияда иккита жуда муҳим глобал келишув имзоланди: булар иқлим ўзгариши ҳақидаги рамочная ҳамда биохимиячилик ҳақидаги Конвенциялардир. Конвенциялар иқлимни мўътадиллаштирувчи газлар миқдорини бир меъёрга ушлаб туриш ва сайёрамиздаги генетик захираларидан самарали фойдаланишга эришишни таъминлашга йўналтирилган. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун давлатлар миллий режалар ишлаб чиқдилар, тегишли қонунлар қабул қилдилар, зиммасидаги мажбуриятлар аниқланган ҳолда халқаро келишувлар тузилди ва амалга оширилмоқда. (Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

2006 йилнинг 1 сентябрыдан бошлаб Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари ҳисобига кутубхоначиларнинг тариф ставкасига мансаб маши...

Бунда шу нарса назарда тутилсинки, кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда куйидагилар назарда тутилсин: умумтаълим мактабларининг кутубхона фондлари учун ҳамда ярмарка савдоси ва чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашга бюрутманомани шакллантириш ва бажариш;

умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчиларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига дарсликлар билан аниқ таъминлаш;

дарсликларни ижарага бериш тартиби; кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари меҳнати натижаларига баҳо бериш мезонлари;

фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни утилизиция қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда дарсликларнинг нархи ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатлар сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 31 май

Сир эмас, лалми деҳқончилик деганда баъзилар фақат далага таваққалига дон сочиб, об-ҳавонинг "қош-қовоғига" қараб ўтиришни тушунишди. Лалмиқор деҳқоннинг бахтига осмондан "оби-рахмат" берса-берди, йўқса, у ноилжол елка қисиб қолаверди... Нежабки, байрати ва омилиқор фермерларимиз ана шу эски ақидага ҳам барҳам беришмоқда. Чироқчи туманининг "Чияли" жамоа хўжалиги худудига фаолият кўрсатаётган "Дўсяр" фермер хўжалиги эришган натижалар фикримиз далилидир.

Фермер осмоннинг қош-қовоғига қарамайди



Яхши хабар

Фермер хўжалиги аъзолари жорий йилги мавсумда 40 гектар лалми ва 6 гектар сувли галла майдонидан давлатга белгиланган 32 тонна ўрнига 42 тонна сара дон сотишиб, бу борадаги шартнома режа-

сани туманда биринчи бўлиб адо этишди. - Нисбатан камгёна калган бу йилги мавсум, лалмиқор деҳқонни жиддий синовдан ўтказди, - дейди "Дўсяр" фермер хўжалиги раҳбари Эрмат Қудратов. - Лекин биз "қўлга келган тўй..." деб қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Уруғни вақтида экиб, парвартишга эрта киришган эдик. Айниқса, майсаларни маҳаллий ўғит билан озиклантиришга жиддий эътибор қаратдик. Шу мақсадда далага 200 тележка гўн солинди. Белгиланган агротехника тадбирлар ҳам вақтида амалга оширилди. Биргина галлачиликнинг ўзидан 5,5 миллион сўм бўлиб берилди. Шу ўринда фермер хўжалиги ишчиси Фарход Султонов 2 тонна донни омборига тўққанлигини тилга олишининг ўзи қифоя. Хўжалик даладарига бугдўйнинг "Санжар-6" супер-элит, "Тезгишар Р-1", "Юбилейный" ҳамда арпанинг "Лалмиқор Р-1" навлари парвартирилган эди. Ушбу навлар маҳаллий иқлим шароитига мос эканлиги яна бир бор иботини топди. Қолаверса, Россияда ишлаб чиқарилган "Нива" русумидаги замонавий дон ўриш комбайнидан фойдаланилганлиги ҳам бу борада жуда қўл келди. "Дўсяр" фермер хўжалиги



"Кишан"дан бўшатилган "пўлат от"

...Утган асрнинг 50-йиллари охиридада култиваторларни далага киритиш осон бўлмаган. Бригадирлар ишнинг пичоқ ва юмшатиқларини сиқидириб ёки сув радиаторига тупроқ ташлаб, агрегатни бузар эдилар. Баҳона битта: култиватор гўза илдизларини қирқад, трактор гилдираклари туларни эзиб қетади.



Онам ишлайдиган бригаданинг бошлиғи Кетмон бува - исми ҳақиқатдан ҳам шунақа эди, култиваторнинг ашаддий "душмани" бўлиб, уни далага яқинлаштирмас, кетмон чопигининг тарафдори эди. Механигини Абдулла Мирзаали Кетмон бувани "юмшатиш" йўлини излади: унинг ўғли Арслонни Қўқондаги тракторчилар курсига ўқишга юборди. Арслон ўқиб қайтган, унга ян-янги култиватор оқилган, отдек гижинглаб турган "универсал" тракторини берди. Бошқа бригададан култиваторни олиш сирларини унга обдон ўргатгандан кейингина отасининг далага кирди.

Кетмон бува арғаб кўчди. Тушдан кейин хабар олиш учун қайтиб келган механик гаройиб воқеанинг устидан чиқди: трактор гилдирагининг кейги катта занжир билан боғланган, занжир уларга эса кулф солинган эди. Тўрт-беш туп гўзани қўлга бир даста қилиб ушлаб олган Кетмон бува механикни қўриши ҳамон арқ қила қетди: - Сиз қатқатган от асов экан. Ғўзаларини пайқон қилиб ташлади, уни Арслонга қўшиб қантариб қўйдим.

Абдулла Мирзаали ўз навбатида қизлар чопиқ пайтида шикастланган гўза ниқолларини Кетмон бувага кўрсатиб, култиваторни "оқлашга" ҳаракат қилди. Унга бир қақириб, бир элиниб "асов отни" кишандан бўшатди ва пахтазорга киритиб юборди.

...Орадан икки-уч йил ўтди. Култиватор ердამида пахта даласининг зунасига ҳам, қўндалангига ҳам ишлов бериш усулини кенг жорий этганликлари ва шу йўл билан кетмон чопигига бутунлай барҳам берганликлари учун бригадир Кетмон бува, тракторчи Арслон ва механик Абдулла Мирзаалилар мукофотланганликлари ва елкама-елка туриб бирга расмага тўшаганликларининг гувоҳи бўлдик. Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ

"Хўп, хўп, хўп, хўп тураман..."

Абдурашул ака улфатлари билан чойхонада ўтириш қилди. Ярим кечада маст-эласт ўйинга қайтди. Кайфи тарқаб бўлиб қолган Абдурашул уни рўйбарисидagi Соё қўрғинига келганда йиқилиб кетдию қайта туролмади. Шу ерда ух-лаб қолди.

Худди шу пайтада қўнишни Баҳодир ҳам кен қолиб ишдан келаётган эди. Қўрқиб устига келганда қаршисидagi қора шарпани қўриб, ит бўлса керак, деб ўйлади. Анча кутди, ит кетмай қолди. Шунда Баҳодир ака қўрқинчи қаттиқ-қаттиқ тегди.

Тур, тур кет, итвачча. Сувуқда анча кайфи тарқаб қолган Абдурашул ака шарпадан чўчиб, қўзини очса кимдир "тур-тур" депти:

"Хўп, хўп, хўп, хўп тураман, - у шундай дейишни билди, қаршисидagi одам шартта ўзини сойга ташлаб юборса бўладими. Уни ортдан қувиб, оқиб кетай деганда зўрга тугиб олган Абдурашул ака қўнишни Баҳодирдан сабабини сўради.

"Ит"ни ҳайдаман "хўп" дейди-я, ахир ит ҳам гапирарми?

Ушандан кейин Баҳодир ака бир ой кавал бўлиб ётди. Қўрқувдан юрагини олдириб қўйгани етмагандек, сувда оқиб шамоллаган ҳам экан. Абдурашул ака ана шу воқеани гапириб берад экан, арқонинг касри ёмонлигини англаганлигини, ичинши бўлук ташлаганлигини ҳар гал такрорлаб қўяди.

Ақлини оздирган "шайтон"

Берди бобо ҳидни билмасди. Бензин ҳидими, нафталиннинг ҳидими, фарқи йўқ. Ҳатто арқонинг ҳидини...

Кичик ўли Маҳаммон анча шу... Қўлар уни "арист" дейишди. Отасининг олдига келса, узокроқда туради. Вазмин, оғир таъбиятлидир. Берди бобо саксон ёшдан ошайтир.

"Ассаломуалайкум, ота! Жонингиз омонми? Қани бир кўришайлик, - Маҳаммон деди. Байрати тошган. Қўл бериб кўришайлик, отаси хайрон қараб қўйди. Арқон ичганини қаврда билсанми?!

"Энам ҳам яқинми? Алоқ-чапоқ бўб юрбисиларми? Ўзи бир соф-саломатми? Қани, бир кўришайлик, ота! - Маҳаммон отасининг қўлини ушлаб оқисти силқиллади.

"Яқин, улим, яқин. Оғинга бандинг мазаси йўқ. Оғим оврийди бўёки, - кексалдан нолиди Берди бобо.

"Хаммаси тугалиб қетади, ота. Юрак бақувватма, юрак? Бўлди. Қўлингизни беринг. А-а, кучли-ку, - яна кўришди Маҳаммон. Отаси хайрон: "Нимага бунча кўп кўришди? Ёки кеча белворуга уқол урган дўхтир, оз қопди, дедимикан? Бу... айтмапканми?"

"Қани, қўли ташланг, ота! Бир қўнқолаш ҳам кўришайлик, ота!.. Энаси севди. Ўғли Маҳаммонни қақурди. Секон деди: "Ичб обсан. Ульмайсанми? Кекса отангни чарчатиб қўйдинг. Бор уйингга, дамчинг ол!"

Маҳаммон эртасига ўйларди: "Кена қўп ичбмак. Отам билан бир кунда 4-5 марта кўришмак-а?"

Отаси бели оғриб, оғви эриқираб хайлдан ўтказарди. Маҳам бунча кўп кўришди. Яна қўнқолаш ҳам кўришди. Қуниим битаянпақан-а?! О.МУРОДОВ

Мўъжиза ҳар кун рўй беравермайди

(Боши 1-бетда)

Дастлабки икки нав истикболсиз чиқди. "Бухоро-6" эса давлат нав синаш участкаларига жўнатилди. Биринчи йилдаёқ у яхши натижа берди. Уртача ҳосилдорлиги андаза навларга нисбатан 4 центнердан 6 центнергача юқори бўлди.

Уша йилларда вилоятда пахтачилик оқсаб қолган, режа бажарилмас, янги навага эҳтиёж ошган эди. 1985 йилдан бошлаб Қорақўл туманидаги "Зарафшон", Жондор туманидаги Охунбобоев номи, Бухоро туманидаги "Маданият" ва "Янги турмуш" ширкат хўжаликларига шу нави чигит экилди. 1987 йилда келиб "Бухоро-6" экилган майдонлар вилоятда 8541 гектарга етди. Маълумотларга қўра, ўша йили янги нав ҳар гектар ерда 36,1 центнердан ҳосил берган. Бу бошқа навлар ҳосилдан 2,3 центнергача кўп. Натижада, 1964 тонна қўшимча пахта олинган. Бу унинг ўша пайтлардаги нархларда 1 миллион 360 минг сўм қўшимча даромад келтирганидан далолат беради.

"Бухоро-6"ни экин, деб биров кўрсатма ҳам бермади. Унинг дарагини эшитган хўжаликлар талашиб-тортишиб эка бошлашди. Истикболли нав 1988 йилдаёқ 85 минг гектар майдонни эгаллади. Мухими, вилоятда пахтачилик ҳолати яхшилана борди. "Бухоро-6" шарофати билан вилоят ҳосилдорлиги бўйича етакчи мақоми эгаллади. Қашқадарё, Навоий, Хоразм

ва Қорақалпоғистонда ҳам шу нави пахта етиштирила бошланди.

"Бухоро-6"нинг мўъжизавий кучи қаерда? Бу саволга жавоб топиш учун тўртта муҳим соҳа хулосасига таяниш керак. Бу навадан деҳқонлар рози. Чунки у гармоселга, сувсизликка чидамли, кўсаги йирик. Биринчи нав хом ашёси 35 фоиз тола бермоқда. Қайта ишлаш саноти учун ҳам қатор кулайликлар бор. Чунончи, толасининг чигитга бирикши кучи анча кам. Бу заводдаги иш жараёнини осонлаштиради. Пахтасти тазаланиши кийин навлар рўйхатида "Бухоро-6"ни учратмайсиз. Қайта ишловчилар ҳам "Бухоро-6" толасининг тез тазаланиши, ифлосланиш даражаси камлигини, ташки қўришни эса халқроқ андозаларга мослигини эътироф этишган. Толаси экспорт қилинаётги, сифатига эътироз йўқ.

Ҳар тонна чигитидан 190-210 килограмдан ёғ олинмоқда. Ёғи сифати, чигитидаги мағиз миқдори 56-58 фоизни ташкил этаптаги.

Очиги, "Бухоро-6"ни районлаштириш осон кечмади. Аухат Батталовнинг ёдида. Ушанда 1989 йил, шўрлар турзуми даври эди. Москва яқинидаги Дедовск фабрикасига ишлаб чиқариш шароитида синаш учун 50 тонна тола юборишди. Янги нав муаллифи Ромитондаги собиқ "Бўстон" жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Н.Вохитов билан технологик таҳлил натижаларини билмоқ учун Москвага борди. У

ердагиларга янги навнинг номи ҳеч кимга таниш бўлмаган ўзбекистонлик олим томонидан яратилгани ёқмади чоғи, совуқ муомала қилишди. Ха, игна билан қудуқ қазишда машаққатли меҳнат маҳсулига ана шундай муносабатда бўлинди. Бу ёқда эса... баъзилар вилоят учун бошқа навларни тавсия этишар, олимни руҳан синдиришга уринишарди. Табиатан ўжар, аммо хоқсор олим шундай паллаларда ўзини оғир тугди, турли маҳкамалар эшигини чертиб бормади. У юрак қони билан яратилган "Бухоро-6" кучқудратига ишонди. Ва... мўъжизани қарангки, истиқболли нав барча тўсиқларни енгиб ўтди. Баъзида бухоролик деҳқонлар "Бухоро-6"ни суйиб, унга "полвон нав", деб ном беришганида, улар масаланинг шу жиҳатларини ҳам ҳисобга олишмаганимкан, деб ўйланч қолсан киши.

Захматхас олимнинг машаққатли меҳнати истиқлол йилларида ўз қадрини топди. Президентимиз Фармони билан у Беруний номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Аухат Мингалиевич илмий изланишларни давом эттирди. Унинг чигит таркибига гисполдиз нав яратиш, соғлиқ учун фойдала деб топилган рангли пахта нави етиштириш борасидаги тадқиқотлари хусусида узок тўхталиш мумкин. Аммо кўп йиллик изланишлар меваси бўлган "Бухоро-6" нави ҳақида сўз юритмаслик

Аухат ака мўчал аёшидаги 16 нафар ўғил-қизимизга сарпо кийгизди, - дейди Бухоро шаҳридаги 24-мактаб-интернат директори Б.Шаропов. - Унинг мактабларга ўз ҳисобидан дарсликлар тақдим этганидан хабарим бор...

...Биз мўъжизалар кутиб яшашга одатланганмиз. Мўъжизалар эса ҳар кун ҳам рўй беравермайди. Бирок Аухат Батталов ақл-заковати билан дунёга келган "Бухоро-6" ва "Бухоро-8" навлари чинакам мўъжиза. Кам-суқум, захматқаш, юрт фидойисин бўлган олимнинг изланишлари эса давом этмоқда. Улар янги мўъжизаларни етақлаб келишига ишончимиз қомил.

Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

(Боши 1-бетда)

Мақур гигант корхонада Иккинчи жаҳон урушининг қаҳшатиқ даврида - 1941 йил 18 ноябрда Алтай ўлкасининг Рубцовск шаҳрида асос солинган эди. Завод шиддатли уруш йилларида ҳам, ундан кейинги даврда ҳам мамлакат санотида, хусусан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ҳам етакчи мавқеа касб этиб қолди. Йил сайин заводнинг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайя борди. Корхонанинг тарихи, том маънода, бутун бошли мамлакат тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ўтган йиллар, корхона билан дахлдор ҳар бир факт ва рақам ортда йирик бир давлатнинг қишлоқ хўжалиги саноти, мамлакат аграр тармоғидаги ўзгаришлар, минглаб ишчилар ҳаёти муҳассам.

1986 йилнинг бошида АТЗ ёрлиги билан чиққан тракторлар сони нақ бир миллионга етди.

Собиқ Иттифок тарқалиб, кўпгина йирик санот корхоналари иқтисодий таназулга учраган пайтларда ҳам Алтай трактор заводи ўз мавқеа, куч-қудратини йўқотмади, ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, тез фурсатда ўзини ўнглаб олди.

2001 йилда келиб Ўзбекистонлик бюрутмачилардан «Т-4А» тракторларига катта миқдорда бюрутма қабул қилинган, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва шу орқали иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш имконияти вуҷудга келди. Бинобарин, бу ҳамкорлик ҳар

икки томон манфаатларига мос тушди.

1942 йилнинг 14 август куни завод конвейеридан ёғоч кабинали, келросин двигатели билан ишловчи илк АСХТЗ-НАТН трактори чиқарилган эди. Ана шу сана Алтай трактор заводининг "таваллуд куни" сифатида тарихда қолди. Шу йилнинг ўзида корхонанинг ремонт-механика, темирчилик, мотор ишлаб чиқариш сингари жами 33 та бўлим ва цехлари ишга тушди. Орадан бир йил ўтган, заводнинг механика йиғиш цехи жаммасининг кучи ва ташаббуси билан йирик трактор йиғиш конвейери ишга туширилди. 1944 йилнинг 20 январидан завод конвейеридан мингичи трактор чиқарилади.

Тажрибали кекса деҳқонлар бу ерда ишлаб чиқарилаётган «РТ-34» русумли дизелли тракторларнинг қулайлик ва афзалликларини яхши билмашди. 1952 йилнинг ёз ойларида бошлаб ана шундай қишлоқ хўжалиги техникаларини заводда оммавий равишда ишлаб чиқариш бошланган эди. Орадан кўп ўтмай бу русумдаги тракторлар гидротўсиқ тирмақалари билан бирга ишлаб чиқарила бошланди. 1965 йилда эса қуввати ва ишлаш меҳанисини янада юқорикор бўлган «ДТ-55» конвейердан чиқди.

1965 йилнинг бошида эса заводда «Т-4» тракторларини оммавий равишда тайёрлаш йўлга қўйилди. Мақур трактор ўз хусусиятига қўра фойдаланиш учун Марказий Осиё, шу кумладан, Ўзбекистоннинг сугорма



деҳқончилигига жуда мос тушар эди. Ушбу янги модел конструкциясини яратишдан олдин мамлакатимизнинг иқлим шароити, мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинган.

60-йилларда заводдан чиқарилаётган махсулотлар мамлакат ташқирисидан ҳам ўз харидорлари ишончини қозонишга улгурган эди. Шу боис 1966 йилнинг май ойида Москвада ўтказилган Халқаро кўрғазмада корхона тамғаси билан чиққан «Т-4М» трактори олтин медал билан мукофотланган эди. Айнан шу пайтада завод мутахассислари бир қатор илмий-тектириш институтлари билан ҳамкорликда мақур тракторнинг 130 от кучи ва эластик илмўқали (подвеска) двигателига эга бўлган янги модели конструкциясини ишлаб чиқилган эди. Аммо бу янги модел мамлакат далаларига чиқарилмади. Маълумки, «Алтай» тракторлари асосан сугорма деҳқончилигига мослашган эди. Осиё далаларига жўнатилар эди. Худудий машина-синов станцияларининг хулосасига қўра «Т-4М» сугорма деҳқончилиги учун яроқсиз деб топилди. Ва шу боис бу русумдаги тракторлар савдога чиқарилмасдан қолиб қетди.

1970 йилда эса «Т-4А» русумидаги биринчи трактор йиғилди. Бу модел аввалгиларидан биринчи қувватлиги, қулайлиги ва тежамкорлиги билан ажралиб турарди. Мақур

қур янги трактор рақобатбардошлиги, сифати билан АТЗ ёрлигига бўлган қизиқиш ва ишончини орттирди.

Бугун мамлакатимизда аграр тармоқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини ҳал қилувчи кучга айланган фермерларнинг эркин ва тўлақонли фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг замонавий, қудратли қишлоқ хўжалиги техникалари, агрегатлар билан таъминлаш ҳам ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди.

Бугунги деҳқон кегагисидан кескин фарқ қилади. У энди аввалгидай жамонанинг, "умум"нинг эмас, балки, ўз ерида, ўз хўжалигига меҳнат қилаётган. Бинобарин, ўз деҳқончилиги учун умумдор ва самарали техникани ҳам ўзи танилади.

Хозир қай бир вилоят далаларига борманг, "Алтай Трактор Заводи" ёрлиги билан чиқарилган техникалардан деҳқонларимиз ўз ўрнида, умумли фойдаланаётганлигини кўраемиз. Демак, бу тракторлар уларнинг ишончини оқлайпти. Демак, Алтай ўлкасидаги бу қудратли корхона билан ҳамкорлик меҳнатқаш деҳқон ва фермерларимиз, демакки, алу юртимизга янада кўт-бараха келтириши аниқ.

Ханифа ШАМШИЕВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Сурхондарё томонлари

Тадбиркорлар кенгаши

Германия Республикасидан таширф бюрурган жаноб Клаус бошлиқ тадбиркорлар делегацияси Термизда бўлди.

Улар дастлаб икки минг йил илгари қўрилган Фавзена ёдгорлигини, минг йиллик тарихга эга Ал Ҳаким ат-Термизий мақбарасини ва мустақиллик йилларида қад ростилаган, Марказий Осиёда ягона археология музейини бориб кўрдилар.

Шундан сўнг германиялик тадбиркорлар вилоят ишбилармонлари билан учрашиб, бизнес конференция ўтказишди. Унда қозғош ишлаб чиқариш, тоғ-кон саноти ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Қўшма корхона ютуғи

Жорий йил "Сурхонтек" қўшма корхонаси жаммасига янада муваффақиятли келмоқда.

Утган беш ой ичида қўшма корхонада 1000 тонна калава ишлаб чиқарилди, сал кам 2000 погон метр газлама тайёрланди. Қўшма корхонада жаҳон андозалари даражасидаги янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги тубдан ривожланишига асос бўлди.

Чорвачилик ривожланади

Президентимизнинг 308-сонли қарори ижроси юзасидан Музработ туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ихтимойий хўмояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга хомийлар томонидан 10 бош қорамол бепул берилди. "Хомийлар ва шифкорлар йили"да бу айни мuddа бўлди. Шунингдек, Денов туманида чорвачиликни ривожлантиришга бағишланган кўрғазмали семинар бўлиб ўтди. Қатнашчилар "Ҳазороб" хўжалигида бўлишиб, чорва моллари сонини ошириш, насли зотларни кўпайтириш билан боғлиқ ишлар билан танишдилар. Менигор ОЛЛОМУРДОВ

Мюно ойи юмушлари

(Боши 1-бетда)

Дарвоқе, ўғитлаш масаласи. Ғўзанинг шонлаш даври ва гулга киришининг дастлабки кунларида ўғитлаш қони фойда. Чунки бу тадбир кўсақларнинг шаклланишини тезлаштириб, ҳосилдорлигини, айниқса, эртаги терим ҳосили салмоғини аниқлаш оширади. Шунинг учун ҳар бир даладаги ғўза ниқоллари узоғи билан 20-25 июнча белгиланган ўғит меъёрини олиши зарур.

Айни кунларда ғўзаларда тугунчалар ҳосил бўла бошлади. Агар тупроқда нам етишмаса, ҳосил элементлари тўқилиб кетиши мумкин. Демак, сугориларга эътиборни қўйиштириш керак.

Қорақалпоғистон геология-дала қидирув экспедицияси бундан олти йил муқаддам Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси саяёҳаракати билан ташкил этилган эди. Жамоа ахли дала-қидирув экспедициялари давомида асосан кўлаб турдаги ерости фойдали қазилмалар захирасини излаб топади.

Тошлоқ, қир ва адир, сойликлардан ташкил топган бу улкан худуддан илгарилари асосан йилвосифатида фойдаланиб келинган. Бирок кейинги пайларда бу бепосён, охири кўринмайдиган дашта-турли геологик экспедиция аъзолари серқатнов бўлиб қолишди. Сабаби, олимлар Устюрт худудларида ва Орол денгизининг бўшаган тубида каттагина оқаз, туз, гипс, нефть ва газ захираларини топдилар. Фақатгина сўнги йилларнинг ўзиде Устюртнинг Урга, Бердах, Шибини, Қизилқайир, Оқсулоқ, Қорасулоқ каби қилиқларида нефть ва газ конлари ўрганилиб, истиқболга эга, деб белгиланди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, Урга газ кони тўлиқ қувватда ишлаб боради. Бундан ташқари, бу худудларда янги олтин захираларини топишга ҳам киришилган.

Аслини олганда, геолог бўлиш, дашту биеонларда сарсон-саргардон юриш, айтишгагина осон. Бу касб соҳибларининг нони қаттиқ бўлади. Улар сабр-тоқат, изланиш, синчковлик сингари хислатларга эга бўлишлари зарур. Қон "мана мен", деб кўриниб турмайди. Ер остини туб-тубига ча қавлаш, қони аниқлашнинг турган-битгани захматли юмуш.

Марказий Осиё, қолаверса, юртимиз Ўзбекистон қадим-қадимдан тоғ-кон сановати марказларидан бири ҳисобланган, десам янгилашмаган бўламан, - дейди - Қорақалпоғистон геология-дала-қидирув экспедицияси раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби Холмўмин ога Хайтов. -Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино сингари

# Замин тилсимини очаётганлар

Водийларни яёв кезганда

етти иқлимга машҳур бўлган алломаларимиз ер илмининг билимдонлари бўлиб танилган. Сабаби, улар инсоният ақлини шоширадиган, хайратлангирдиган кашфиётлар яратган. Қолаверса, Хабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамрабоев, Обид Ақромхўжаев, Ғани Маълонов ва бошқа кўлаб олимлар юртимизда геологияни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишган.

Холмўмин ога Хайтовнинг эътирофи эътиҳон, аслида геолог-ер ҳақидаги фан бўлиб, унинг шаклланиш тарихи узоқ бўлишига бориб тақалади. Негаки, у тоғ жинсларининг пайдо бўлиш жараёнини, тузилиши, маъданлар тарихи, физик ва кимёвий хусусиятлари, умуман олганда, бутун тиббий фанларнинг йиғиндисидан иборатдир.

## Битмас-туғанмас бойлик

Асосан Қорақалпоғистон Республикаси худудида фаолият олиб борадиган геология-дала қидирув-экспедициясида айни кунга келиб икки юзга яқин ишчи тер тўқаяпти. Азалдан бу ердаги оила бошлиқлари шу ерда ишлаган. Ҳозир ҳам шундай. Улардан йигирма нафарини эса чўққилари булутларга бош урган тоғлар, уч-кети кўринмайдиган чулу биеонларни кезиб, ҳазина топадиган геологлар ташкил қилиди. Жамоа ҳозирги кунда олтин захираларини топиш, фойдали кон захираларини аниқлаш, уларнинг миқдорини кўпайтириш учун астойдил

ҳаракат қилмоқда. Ушбу экспедицияда тер тўқаятган бош муҳандис Рашид Хўжамазоров, бош геолог Ғиёс Юсупов, геологлар Игор Куликов, Хўжамазоров, Шомуродов, Самад Дунгов, Анорой Уроғалиев, Шавкат Дўстқулов, Людмила Шамина сингари фидойиларнинг ҳар бирида ўз касбига садоқат хислати бор. Шунинг учун ҳам улар ўз зиммаларидаги вазифаларни тўла-тўқис адо этиб келишаётир.

Минтаканинг жанубида, асос Амурдёр бўйида жойлашган Қоратовдаги Тоғнинг салқин ҳавоси этни жунжитида. Пастликда гира-шира кўриниб турган Амурдёр қишлоқлари, ўркан-ўркан тоғлар, харсанлар ортига беркинаётган кўёш

да учраб турадиган қизик-қизик воқеалардан сўзлаб берди. -Геологнинг иши хийла мураккаб. Сабаби, геолог ер тағида 100-200-500 миллион йил олдин кечган тарихий геолог жараёни ўрганади, - дейди Мурод ога. -Уша дарвада пайдо бўлган маҳсулотларнинг шу кундаги қолдигини ўрганиш билан узоқ ўтмишни реставрация қилади-таъмир-лайди. Шунинг учун хоҳлайсизми - йўқми, қандайдир илоҳий кўчлар таъсирида бўласиз. Хуллас, геологларнинг иши игна билан кудуқ қазишдек захматли.

-Самарали меҳнатдан кейин кўнгилли хордиқ чиқарадиган нима етсин?! Корхона ҳисобидан ўнлаб геолог ва

тоғлари қимматбаҳо нодир металллар, қурилиш материаллари ва бошқа безактошлар сөрөб бўлган худуд саналади. Қорақалпоғистон Геология-дала қидирув-экспедицияси жамоаси келгусида ушбу тоғларда текширув ўтказишни режалаштирган.

## Геологлар сардори

Одам боласи дабдурустан улғайиб қолмайди. Унинг маънавий оқсалиши ҳам шундай... Ҳамма нарсанинг вақти-соати, ўсиш жараёни, мураккаблиги тартиб бор. Улғайиш жараёнида ташқи таъсирларга рўбарў келади. Аниқроғи, атроф-муҳитга, жамиятга, одамларга ўзини мослаб боради. Ҳамма нарса бир-бирига шу қадар муштакам боғлаб ташланганки...


Институтни битириб, тўри шу ёққа келдим. Бу ерда оддий ишчиликдан геология экспедицияси раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Холмўмин Хайтов ҳақида гап кетса, у Зармитан олтин конида ҳам саккиз йил раҳбар бўлиб ишлаганини тавқидлаш жоиз. Энди Қорақалпоғистон Республикасини қўяверинг, бу ёни Тошкент томонларда ҳам кўнгилни чоғ қиладиган яхши гаплар юради. У ниятда камгап, ортиқча мулозиматни ёқтирмайди, дангалчи. Мақтов... эшитса кўл силтайди-да, "ишни аввал бир кўринг, кейин..." дейди.

Геологлар сардори, "Дўстлик" ордени соҳиби Холмўмин Хайтовнинг тақдир китобини ўқир эканман, унда кўпчилик учун намуна бўлишга арзиғулик саҳифалар: чидам, ирода ва шулар натижасида келган ғалабалар тизилиб туради. Тақдир сийламоқчи бўлган кишиларни болаликдан, ёшлардан мустақил қадам ташлашга ундар экан. Холмў-



мин оғанинг ҳаёти бунга ёрқин мисол бўла олади. Қорақалпоғистон Геология-дала қидирув-экспедицияси хазинатопарлари изланишда давом этишмоқда. Яқин орада улар янги тоғлар геологиясини мукамал ўрганишга киришади. Бу, ўз навбатида, республикамиз геология тизими самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Улғубек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



ажиб бир манзара кашф этади. Ана шундай аjoyиб манзарага тикилиб турган Қорақалпоғистон геология-дала қидирув-экспедицияси бошлигининг ўринбосари Мурод ога Тилеибергенов биз томонга ўгирилиб, охирига дейди: "Ғаройиб гўзаллик". Биз у билан геологларнинг алғов-далғовли ҳаёти, шەрият, адабиёт ҳақида узоқ сўбатлашдик. Гурунғ давомида Мурод ога хазинатопарларнинг ҳаёти-

ишчилар Давлат геология қўмитасига қарашли Чотқол санаторийсида, 25 нафар ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари эса турли сихатҳолларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди, - дейди экспедиция каттабаси раиси Шавкат Дўстқулов, - биргина 2005 йилнинг ўзиде ишчи-хизматчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга ўн миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Минтақадаги Султон Увайс

-Болалик чоғларим эди, - дея хотирлайди сўхбатдошимиз. -Менинг қувноқ ва беғубор болалигим туянинг ўрқачини эслатуви қир-адирлар, улғувор тоғлар бағридаги Кўшработ туманида ўтган. Уйимиздан сал наридаги Зармитан олтин кони ёнидан ўтсам, мени ҳаяжон босаверарди. Шундай қилиб, геологлар ҳаётига қизикиб қолдим. «Улғайсам геолог бўламан» деб кўнглимга тугиб қўйдим.

# Таъминотда узилиш бўлмасин

Дала ишлари кун сайин қизгин тус олиб бораёпти. Ғаллага ўроқ тушадиган дамлар келди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш тобора жадал тус олмоқда.

Табиийки, шундай бир шароитда қишлоқ хўжалик корхоналари - ширкат ва фермер хўжалиқларига ёнилғи-мойлаш материалларини узлуксиз етказиб бериш туришининг аҳамияти ниятда катта, - дейди "Урганч нефть базаси" унитар корхонасининг директори С.Жуманиев. - Корхонамизнинг Хонка ва Шовот филиаллари биргаллиқда 8 та тумандаги халқ хўжалиги корхоналари, фермер ва ширкат хўжалиқларига хизмат кўрсатади. Шу туманларда ўтган йили 24415 гектар майдонда бўғдой, 81 миң гектардан зиёд майдонда пахта етиштирилди. Биз экинларни қўлай агротехник мўддатларда экиш, парвартириш ва ҳосилни йиғиштириб



олиш мақсадида технология карта асосида ёнилғи-мойлаш материалларини ойма-ой етказиб бердик.

Ёнилғи-мойлаш материаллари меъёрлари давлат буюртмасига муносиб равишда белгиланди. Минтақа шароитида бир гектарда ғалла етиштириш учун 94,5, шунча майдонда пахта етиштириш учун 298 килограмм миқдорда сарфланиши кўзда тутилган. Унитар корхона 6739 та фермер ва 18 та ширкат хўжалигига хизмат кўрсатади. Улар билан 26402 тонна нефть маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган. Шунга асосан 5 миллиард 451 миллион сўмлик хизмат кўрсатишга эришилди. Айни пайтда хўжалиқларда ЕММни тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди, назорат кўчатилириди. Натيجида мавсум давомида 2485 тонна дизел ёнилғисини иқтисод қилинди.

- Биз асосий эътиборни фермерларга юқори даражада хизмат кўрсатишга қаратганмиз, - дейди Урганч туманидаги 54-сонли ФЕТШси оператори Уктам Худойбергенов. - Фермерлар бу ердан нафақат ёнилғи олишади, уларга бу ерда маданий ва маънавий шарт-шароитлар ҳам яратилган. Уларда бизнинг хизматимизга нисбатан бирор бир эътироз бўлса, бизнинг юқори ташкилотларимизга мурожаат қилишлари учун ишонч телефонлари ҳам ишлаб турибди. Ҳозиргина тумандаги 60 та фермер хўжалигига ёнилғи ўз вақтида ва меъёрида етказиб берилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда хўжалиқларга нефть маҳсулотлари биржа савдоси орқали етказиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарори бунинг қонуний асосини яратди.

Утган йили хизмат кўрсатилган жами, умуман, халқ хўжалиги, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари биржа савдоси орқали 4554 тонна автобензин, 19746 тонна дизел ёнилғисини олди.

2004-2006 йилларда кўпдан-кўп ширкат хўжалиқлари негизида дехқон-фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Қошқа мўддатда "Урганч нефть базаси" унитар корхонаси ва унинг филиаллари хизмат кўрсатган минтақада фермер хўжалиқларининг сони 6739 тага етди. Табиийки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи бу

хўжалиқлар учун қўлай шароитлар яратиш кун тартибига қўйилди. Шундай бир шароитда уларни ёнилғи-мойлаш материалларини билан узлуксиз таъминлаб бериш учун кам рентабелли ширкат хўжалиқлари негизида фермер хўжалиқлари машина-тракторларига ЕММ қўйилади 40 та шохча барпо этилди. Бу иш давом эттирилди, 2005 йилнинг охири, жорий йил бошларида яна 17 та ФЕТШ қўриб, ишга туширилди. Умуман олганда, бугун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарга 90 та анал шундай шохча хизмат кўрсатаяпти.

- Қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият юри-таётган фермерлар кўзлаган мақсадга эришишларида бизларнинг хизматимиз ҳам катта рол ўйнайди, - дейди 53-сонли ФЕТШ оператори Бойназар Машарипов. - Зарур бўлса, биз ёқилганин ўзимиздаги мавжуд техникалар билан фермерларнинг даласига етказиб бермоқдамиз.

Бу қўлайликлар нефть маҳсулотларини бевосита далага, иш бошига етказиб бериш имкониятини туддирипти. Бу ишга ёнилғи ташуви 64 та машина ва 60 та агрегат ажратилган. Айни пайтда фермер хўжалиқлари олган ёнилғи-мойлаш материалларини қандай ишлаётганлиги устидан муттасил мониторинг амалга оширилмоқда.

- Бу мавсумда ҳам ЕММ етказиб бериш шартнома асосида амалга ошириляпти, - сўзиде давом этиди С.Жуманиев. - Бунинг учун 9394 та фермер хўжалиги билан 9 миллиард 753 миллион сўмлик хизмат кўрсатиб, 26466 тонна нефть маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома тузганмиз.

Давлат буюртмаси ҳисобига пахта ва ғалла етиштириб беришчи фермер хўжалиқларига биринчи чорақда 3279 тонна дизел ёнилғисини, 488 тонна автобензин етказиб берилди.

Шу йилнинг бошида корхонанинг дебиторлик қарзлари 2,9 миллиард сўмга етиб қолган эди. Вилёт ҳоқимлигининг саяёҳаракати билан бу миқдор 2,1 миллиард сўмга камайтирилди.

Корхонада 526 ишчи-хизматчи меҳнат қилаёттир. Уларнинг иш шартлоари муттасил яхшиланиб бормоқда. Барча иш хоналари компьютерлаштирилди. Уртача иш ҳақи 86 миң сўмга етмоқда. Меҳнат ҳақи белгиланган мўддатларда тўланмоқда. Утган йил давомида ходимларга 129 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шундай ёрдам 2006 йилнинг биринчи чорақига 6 миллион 836 миң сўмга етиб борди. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурига биноан ночор, кам таъминланган уч ходим оиласига биттадан қарамол олиб берилди.

Фермер хўжалиқларига ёнилғи-мойлаш материаллари узлуксиз етказиб берилмоқда. Бунинг учун барча филиалларда етарли миқдорда захиралар яратилган.

Х.ШАМШИЕВА

## Хизмат



Давлат буюртмаси ҳисобига пахта ва ғалла етиштириб беришчи фермер хўжалиқларига биринчи чорақда 3279 тонна дизел ёнилғисини, 488 тонна автобензин етказиб берилди.

## Эҳтиёт-шарт

Айни пайт ғаллакорларимиз учун маъсулиятли дамлардир. Донни ўриб-йиғиб олиш ишлари бошлаб юборилди. Дон ризқ-рўзимиз, эртанги насимимиз. Шундай экан, уни нобуд қилмасдан давлат хирмонига топшириш барчамизга маъсулият юқлайди. Бунда нафақат дехқонларга, балки ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам катта вазифа белинган.

# Ғаллани ёнгиндан асрайлик

Лекин, афсуски, баъзан бу борада айрим юрдошларимизнинг лоқайдлиги, бепарволиги натижасида дала майдонларига ўт қўйиш ҳолатлари ҳам рўй бермоқда. Масалан, ўтган йили Наманган вилояти Мингбулоқ туманида ўн гектарлик майдоннинг ғалласи ўриб олинганидан сўнг ярим гектар ердаги доним ёкиб юборилган. Пискент тумани "Пискент" ширкат хўжалигининг 3-бўлим ижарачиси М.Қосимовга қарашли бир гектар ердаги сомонга ҳам қаровсизлик натижасида ўт қўйиб кетилган.

Текширишларда маълум бўлмоқдаки, ғалла майдонларида келиб чиқаётган ёнгинлар ҳар қандай кичик эътиборсизлик тўғрисида пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса темир йўллари, шоссес ва дала йўлларида яқин жойлардаги ғалла майдонни четларидаги 8

метр кенликда ғалла поялари ўриб олиниб, шундан 4 метр кенликдаги қисми шудгорланиши, ғаллазорлар орқали ўтадиган дала йўллари ғалласи ўриб олингунга қадар вақтинча беркитиб қўйилиши лозим. Мавсумга жалб этилган барча техникаларнинг учқун ўчиригичлари созлиги текшириб олингандан кейингина ёки таъмирлангандан сўнг далага киришга рухсат бериш ва мавсум давомида уларнинг соз ишлаши назоратдан четда қолмаслиги керак.

Баъзида фуқароларимиз ғалласи ўриб олинган майдонларга иккинчи марта у-бу экин-тикин экиш мақсадида далани сомон ва поялардан тозалаш учун атайлаб ўт қўйиб юборишади. Натيجида, юзага келган катта аланга қўшни далалардаги хали ўриб олинмаган ғалла майдонларига ҳам хавф солади. Агар шу пайтда шамол

бўлаётган бўлса, алангада ёнаётган сомон ва пояларни, ёниб ҳавода учиб юрган хасхашлар қулини кўришининг мумкин. Буларнинг барчаси нафақат ғалла майдонларига, балки яқин атрофда истикомат қилаётган аҳоли турар-жойларига ҳам хавф туддиради. Қолаверса, бундай ўзбошимчалиқлар табиатга ҳам талайгина зиён келтиради. Бу йил сомонга ўт қўйиш қатъиян тақиқланади. Шундай ишга қўл урганлар қаттиқ жазоланади.

Қисқаси, тилсиз ёв - оловнинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши айна заруратдир. Бу эса бизнинг хушёрлигимизга, оғоҳлигимизга, эътиборлигимизга боғлиқ.

Даврон КАМБАРОВ, Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси капитани.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги "Правда" номли 19-ўрта мактаб томонидан 1985 йилда Сайдалиходжаева Муфазал Маҳмадалиевна номига берилган № 834288 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерьяный гос.ордер № 07-01/6722 от 25.02.1993 г. права собственности Тихонова Алексея Павловича на квартиру, считать недействительным.

Ўзбекистоннинг ийрик ва универсал банкларидан

# ХАЛҚ БАНКИ

миқдорларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини тақдим этган ҳолда янги

## "ТАШАББУС"

- омонат турини

### ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 3 ой мўддатга, йиллик 22 фоиз даромад тўлаш шарт билан камида 20 000 сўм миқдорда Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатчининг хоҳишига кўра омонат очилган куннинг ўзиде ҳисобвараққа кириш қилинган маблағга ҳисобланиши лозим бўлган фоиз даромадини нақд пулсиз фойдаланилган коммунал тўловлари учун ўтказиб берилиши мумкин.

ДИҚҚАТ!! ДИҚҚАТ!!

ОМОНАТИНГИВИНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КўПАЙТИРИНГ!

# YETTIMOLIMDAN BIR SHINGIL

## Ҳақиқат қарор топди

2005 йил ноябр ойида Ҳадита виллоятда ҳалок бўлган 24 нафар тинч аҳоли вакиллари америкалик ҳарбийлар томонидан отиб ўлдирилган.



Пентагон томонидан олиб борилган расмий терговлар хулосаси шундай яқунланди. Утган йили Ҳадита шаҳрида амалга оширилган воқеада сўнг маҳаллий аҳоли ўртасида норозилик кайфияти авж олиб кетган эди. АҚШ денгиз пйеда аскарлари қурбон бўлган ироқликлар уларнинг ўқиға учиб эмас, балки миналаштирилган автомобилнинг портлашидан ҳалок бўлишган, деб келишмоқда эди. АҚШ президенти Пентагон терговлари хулосасини эшитиб хавотирга тушганини айтган. Ироқлик тинч аҳоли вакиллари ўққа тутган ҳарбийларни жавобгарликка тортиш ишлари бошлаб юборилган.

## Шарон ўзига келмоқда

Тўрт ойдан буйи микроинсулт оқибатида комада ётган Исроилнинг собиқ бош вазири Ариэл Шарон ўзига кела бошлади.

Утган кунни Шарон кўзини очиб, илк бор атрофга назар ташлади. Шундан сўнг Ариэл Шарон бошқа госпиталга ўтказилган.

## Навбатдаги тартибсизликлар

Францияда талаба ёшларнинг навбатдаги норозилик тўлқини авж олиб бормоқда.



Утган кунни бир неча юз ёшлардан иборат гуруҳ Париж мэри уйи олдида йиғилган. Улар мэрининг уйига тош ва тез ёнувчи суюқлик билан тўдирилган шишаларни улоқтиришган. Париж ёшлари бу гал мамлакат бош вазири Никола Саркозининг янги қонун ишлаб чиқариш тўғрисидаги тақлифига қарши чиқишган. Бино вазирийн тақлифига биноан, шаҳар мэрларига ҳар қандай санкциясиз намойишларни бостириш ҳуқуқи берилиши лозим.

## Инқироздан чиқишнинг янги чора йўли

Фаластин молия вазири муторятда юзага келган иқтисодий инқирозни бироз енгилаштириш мақсадида 11,5 миң нафар давлат хизматчиларини ишдан бўшатиш тақлифи билан чиқди.

Шунингдек, вазири Омар Абдул Раззоқ парламент аъзоларига мурожаат этар экан, 5 миң нафар ходимларни мўддатидан аввал нафақага чиқариш лозимлигини айтиб ўтди. Бу тақлиф аллақачон давлат хизматчилари ўртасида кескин норозиликка сабаб бўлган. Фаластин муторятининг аксарияти ёши катта ходимлари ФАТХ ҳаракати аъзолари саналади. Уларнинг фикрича, ХАМАС ташкилотидан чиққан молия вазири ФАТХчиларга босим ўтказмоқда. Мана, бир неча вақтдики, Фаластин ташқи ёрдамлардан узилиб қолган, молиявий инқирозга юз тутмоқда. Давлат хизматлари деярли ярим йилдан буйи маош олишмайди.

## Сўнги чора

Дунёда "парранда гриппи" касаллиги хуружи авж ола бошласа, АҚШ чегаралари бутунлай ёпиб қўйилади.



АҚШ давлат қотибининг глобал масалалар бўйича ўринбосари шу ҳақда маълум қилмоқда. Унинг баёнотида айтилишича, агар дунёда бу ҳол кузатилса, Америка аввалдан тайёрлаб қўйган режани амалга оширади. Яъни, АҚШда умумийлиқ карантин ҳолати эълон қилинади ва чегаралар умуман ёпиб қўйилади.

## Намойишчилар сони ортмоқда

Феодосиядаги аксил НАТО намойишчилари сафига Украинанинг бошқа шаҳар вакиллари ҳам қўшилмоқда.

Айни дамда Донецк, Днепрпетровск, Запорож, Одесса ва Николаев шаҳарларида ҳам ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бундан бир неча кун илгари Феодосия шаҳри портида НАТОнинг ўқув кемаси пайдо бўлган. Унинг бортни текшириб кўриладиган, портлаш ва захарловчи моддалар борлиги аниқланган. Маълум бўлишича, ҳужжатларга биноан бортада 150 донга ўқотар қурол бўлиши лозим эди. Маҳаллий аҳоли бу воқеани турли фаразларга йўймоқда.

## Вайроналар ўрнида сайёҳлик шаҳри

Индонезиянинг Ява оролида юз берган кучли ер силқиниши оқибатларини бартараф этиш ишлари ниятига етказилмоқда.



Расмий маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида ҳалок бўлганлар сони 6427 нафарга етган. 30 миң нафар одам турли даражада тан жароҳати олган. 660 миң нафар аҳоли вакиллари бошпанасиз қолган. Орелнинг талафот қўрган аҳоли пунктларидаги вайроналар ўрнида янги даҳалар қурилиши режалаштирилмоқда. Айрим маълумотларга кўра, бу жойлар сайёҳлик марказлари қурилиши касб этади. INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

# Илму ҳунар маскани

**Жиззах вилоятидаги 37 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицейда 30 мингга яқин ўсмир-ёшлар 64 йўналишда касб-ҳунар ўрганишмоқда. Албатта, ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим бериш ва касб-ҳунар ўргатишнинг самарали бўлиши, аввало, юқори малака ва маҳоратга эга бўлган ўқитувчи-мураббийлар меҳнатига боғлиқ. Вилоятдаги 2 мингдан зиёдрок ўқитувчиларнинг 91 фоизи олий маълумотли, 29 нафари эса илмий даражадага эришган мутахассислардир.**

Бу ерда машғулотлар янги педагогик технология асосида, ноанъанавий усулларда ўтказилган ҳам диққатга молик ўқитувчилар томонидан дарс ишланмавлари, ўқув кўрсаткичлари яратилмоқда. Бу борада Галлаорол ва Дўстлик тиббий коллежи, Жиззах транспорт ва алоқа педагогика коллежларининг илгор тарбибаларни таъкидлаб ўринлидир. Коллежлар бошқармаси ҳузурда касбий таълим фанлари ўқитишнинг тақомиллаштириш, ўқитишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида махсус кенгаш ишлаб турибди.

Сўнги йилларда 11 нафар мураббий грант асосида Японияда малака ошириб келди. 40 нафар раҳбар ходимлар, ўқитувчи ва муҳандис-педа-

гоглар қатор хоржий давлатларда бўлиб, у ердаги мутахассислар билан ўзаро тажриба алмашдилар. Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган малакали кадрларга ўқув амалиёт машғулотларини ўтказиш учун имкониятлар яратилди. Чунки ишлаб чиқариш илгорлари, етук мутахассислари ўқув юртиларига жалб қилиш, бир томондан, таълим мазмунини тақомиллаштириш, иккинчидан, ёш талабларини касбга бўлган қизиқсини орттиради.

Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг катта қисмини 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этади. Бу Юрбошимиз раҳбарлигида таълим тизимига амалга оширилган ислохотлар ҳалқимизнинг келажак учун нақадар муҳимлигини курсатади.

Вилоятда касб-ҳунар коллежлари фаолиятини янада кенгайтириш учун бунёдкорлик ишларига жиддий эътибор қаратилляпти. Жорий йилда барпо этиладиган ўқув юртиларининг қуввати 2900 ўқувчи ўрнига мўлжалланиб, уларни халқроқ лойиҳалар доирасида замонавий жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилди.

Бошқарма тасарруфидagi ўқув юртиларига бюджетдан ташқари маблағ топиш мақсадида тадбиркорлик ишларига кенг йўл очилди. Шунингдек, ўқув хўжаликлари ташкил этилиб, ўтган 2005 йилда пахтачиликдан 21 миллион, сўлмачиликдан 37 миллион сум да-

## Таълим

ромад олинди. Айни пайтда бу каби хайрли ишлар илгор давом эттирилляпти. Лицей ва коллежларда мактаб ўқувчилари учун "Ониқ эшиклар" кўнраги ўтказилмоқда. Коллежларга узоқ масофада қоллашган мактаб ўқувчилари учун ўқув юртилари ҳаётини акс эттирувчи видеотасмалар, расмий альбомлар тайёрланиб, уларга намойиш этиляпти. Энг муҳими, виллоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқар-

малари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўқувчи ёшларнинг бугунги кун талаби даражасида билим олишлари учун моддий-техник база етарли эканлиги, барча турдаги ўқув синфлари, лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги таълим сифатини оширяпти. Бошқарма тасарруфидagi ўқув юртиларининг 30 фоизи чет эл кредитлари асосида қайта жиҳозланди. Бу борада Зомин ва Баҳмал қишлоқ хўжалик ҳамда Галлаорол саннат касб-ҳунар коллежларида эътиборга молик ишлар қилиняпти. Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежига эса Германия лойиҳаси асосида қарийб 400 миллион сўмлик компьютер ва ахборот технологиялари ўрнатилди.

21 та ўқув юртининг кутубхоналари компьютер ва зарур жиҳозларга эга. Жорий йил якунига қадар яна 14 та ўқув юрти кутубхонаси компьютерлаштирилди. Зомин тиббий коллежига эса электрон кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига таълимнинг узвийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда Жиззах политехника институти виллоятдаги 20 та

касб-ҳунар коллежи билан шартнома асосида ҳамкорликни йўлга қўйган. Институт олимлари коллежларимиз талабаларига маърузалар ўқимоқда. Дарсликлар, маъруза матнлари, услубий қўланмалар билан ёрдам берилмоқда. Ўз навбатида, институти тугатган ёшлар коллежга ишга жалб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тақдимотини ўтказишга қаратилган тадбирлари доирасида жорий ўқув йилида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Тақдимот давомида ҳар бир фан ўқитувчиси, ишлаб чиқариш таълими устасидан тортиб коллеж раҳбари фаолиятигача ҳолис баҳоланади, чет эл ва маҳаллий лойиҳа асосида келтирилган жиҳозлар ишлатилишига ҳам масъулият билан ёндашиляпти. Умуман, бу тадбир кадрлар салоҳиятини ўстириш, ўқув моддий базани мустаҳкамлашга кўмак беряпти.

Мутахассисларимиз узуқсиз таълим тизимининг муҳим бўгини бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини юқори сифат босқичига қўтариш бугунги кун талаби эканлигини чўқур ҳис қилиб, бу муҳим вазифани сийдиқилдан бажаришга интиляптилар.

**Саидхадид МИРЗАБЕКОВ,**  
**Жиззах вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи.**




## Натижалар ёмон эмас

**Италиянинг Турин шаҳрида ўтаётган XXVII Бутунжаҳон шохмат олимпиадаси тўққизинчи тур баҳслари бўлиб ўтди.**



Маъқур турда Хиндустон терма жамоасига қарши донга сурган вакилларимиз тўрт урашувда ҳам дуранг натижа қайд этишди. 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимов ва Сасикиран Кринхон билан кечган баҳсда дурангга имзо чеккан бўлса, Алексей Барсов - Харикришна, Темур Гареев - Гангули Сурия ва Сайдали Юлдошев - Чанда Сандиланларнинг ўзаро беллашувларида ҳам голиблар аниқланмади. 22,5 очко жағғариб 150 терма жамоа ичида кучли ўнликдан жой эгаллаб турибди. Аёллар терма жамоамизнинг бу турда рақиблири эса перулик "ақл гимнастикаси" усталари бўлишди. Вакилларимиздан Ольга Собирова Карен Заражани мот қилган бўлса, Ирода Хамроқуллова Ингрид Алиагадан устун келди. Юлдуз Хамроқуллова эса Лучиана Марале билан очқолари бўлишиб олди. Тўққизинчи турдан сўнг шохматчиларимиз ҳисобида 14,5 очко бор.



## Ли На Францияда енгилмаяпти

**Теннис бўйича ўтаётган Франция очиқ чемпионати (Ролан Гарроснинг учинчи давра иштирокчилари аниқланмоқда.**

Таникли ракетка усталаридан Роже Федерер, Гостон Гаудио, Карлос Мойялар кейин-

химоячиси Михаэл Баллак билан шартнома имзолаганди. Шунингдек, "Милан" ҳўжумчиси Андрей Шевченко ҳам янги мавсумни Англияда бошлайд.

31 май куни Украина терма жамоаси сардори "Челси" билан тўрт йиллик шартномага имзо чекди. Шартнома суммаси 31 миллион фунт-стерлинг (45 миллион евро, 58 миллион АҚШ доллари)ни ташкил қилди ва Шевченко Абрамович томонидан сотиб олинган "Челси"нинг энг қиммат футболчиси бўлди.

## Чемпионат якунланди

**Чирчиқ шаҳридаги Жалолоддин Манғуберди номи спорт мажмуасида ёзиқ биатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳўмийлигида ўтказилган мусобақада эркаклар 4,6 минг метрга югуришда, пневматик милтиқдан ётиб ва тик турган ҳолда ўқ отиш баҳсларида ўз кучларини синая қўришди. Қизиқарли ва кескин курашлар остида ўтган баҳслар якунида Руслан Носиров (Самарқанд) ва Анзур Юсупов (Жиззах) голиблани қўлга киритишди. Аёллар ўрта-сида 3,5 минг метрга ташкиллаштирилган баҳслар якунида эса самарқандлик Зарема Мамедова ва мезбонлар вакили Дилфуза Иномхўжаеваларга тенг келадиган рақиблар топилмади.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Самарқанд вилоятига насиб этди. Кейинги совриндорлар қаторидан Тошкент ва Жиззах вилоятлари биатлончилари жой олишди.

## Абрамович ниятига етди

**Англиянинг "Челси" футбол клуби Кот-д'Ивуарлик чарм тўп устаси Саломон Калу билан уч йиллик шартнома имзолади.**

Голландиянинг "Фейеноорд" жамоаси шарофити ҳўмоа қилган Калу якунланган мавсумда 35 урашувда майдонга тушиб, 15 гол муаллифи бўлган. 20 ышли футболчи Кот-д'Ивуарлик бўлса-да, Голландия фукарлигига ўтишни хоҳлаганди. Лекин мамлакатнинг эмиграция ишлари бўйича вазири Рит Вердонк бунга рад жавобини берди. Жорий йилнинг март ойида қабул қилинган қарорга қўра, Голландия фукарлиги қабул қилинувчилар мамлакат тили ва маданиятини билиши синовдан ўтказилади. "Лоллар юрти" терма жамоаси бosh мураббийи Марко Ван Бастен Калун Голландия фукарлигига ўтишига жонбозлик кўрсатганди. Унинг акаси Бонавентуре Калу Кот-д'Ивуар терма жамоаси шарофити Германия шил майдонларида ҳўмоа қилди.

Эслайтиб ўтаимиз, сал олдинроқ "Челси" "Бавария" ва Германия терма жамоаси ярим



ги даврада иштирок этиш ҳўқуқини қўлга киритишган бўлса, россиялик Николай Давиденко ҳам бразилиялик рақибни Сариелани 6:2, 4:1 ҳисобларида мағлубиятга учратиб (ҳисоб шундай бўлиб турганида Саретти мусобақани давом эттиришни хоҳламади) учинчи даврада иштирок этувчилар рўйхатидан жой олди.

Дмитрий Турсунов ва Тим Хензэн ўртасидаги баҳс 6:3, 6:2 ҳисобларида Турсунов фойдасига ҳал бўлиб турганида Техник сабабларга қўра беллашув бошка кўнга қолдирилди.

Аёллар ўртасидаги беллашувларда хитойлик Ли На ҳўзирча яхши натижага эришмоқда. Россиялик Анна Чакветадзени мағлуб этган осиблик ракетка устаси Динара Сафина, Мария Шарапова, Амели Моресмолар сингари учинчи даврада ўз кучини синая қўрадиغان бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Она бўлгин бизга табиат



## Боши 1-бетда

Республикаимизда экологияни яхшилаш, атроф-муҳит кўнини нишонлашга эътибор, айниқса, юртимиз мустақиллиқка эришган анқирғи, Президентимиз И.Каримов жаҳоннинг қатор мамлакатларининг йирик анжуманларида, "Минг йиллик Саммити"да Орол денгизи муаммоси ва унинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот берганидан сўнг кучайди.

БМТнинг тақлифи билан бу йил Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнининг мавзуси "Саҳролар ва саҳроланиш". Дарҳақиқат, бугунги кунда тупроқ деградациясининг салбий оқибатлари глобал муаммо бўлиб турибди ва бу дунё ҳақмаияти томонидан қурғоқчилик — иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Бунга сабаб, тупроқ деградациясига қорва молларини боқиш (35 фоиз), ўрмонларнинг кесилиши (30 фоиз), қишлоқ хўжалиғи (27 фоиз) ва саннат (1 фоиз) сабабчирид. Шунингдек, сув тоқсинлари ҳамда ер кўчкилари каби табиий офатлар ҳам бу жараёнда ўз "ҳиссаси"ни кўшмоқда. Умуман, мазкур муаммо жуда мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, уни қисқа фурсатда ҳал қилиб бўлмайд.

Чунки саҳроланиш ерларнинг ва ўсимлик дунёсининг деградацияси, тупроқ шўрланиши, мелиорация, атроф-муҳитга антропоген босим билан бевосита боғлиқ бўлгани учун комплекс тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Шунинг учун дунёнинг турли мамлакатларида деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, ўрмонзорларни авайлаб-асраш ва янгиларини барпо этиш, энергияни қайта тикланадиган манбалардан (сув, қуёш, шамол) олиш йўллари ўрганилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида тупроқни тиклаш ва оқилона фойдаланиш бўйича янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Саҳроланиш муаммосини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланиш ва қурғоқчилик қарши кураш Концепциясини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этди ва биринчи қаторида 1995 йил Конвенцияни ратификация қилди. Ушбу ҳўжжатда асосий урғу қурғоқчилик ва ерларнинг деградациясига қарши кураш Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга қаратилди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ерларни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ер ресурсларидан

комплекс фойдаланиш бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий, ташкилий, техникавий қонунчилик қорва-тадбирлар тизимини акс эттиради. Мазкур қорва-тадбирлар ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уни асрашга йўналтирилгандир. Шунингдек, мазкур тизимга ер ресурсларини ўрганиш ва картография қилиш, ер кадастрини олиб бориш, ерлардан рационал фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш, шунингдек, ердан рационал фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини ва рағбатлантириш инструментларини татбиқ қилиш қорва-тадбирлари қиради. Бунга ерларнинг ҳақиқий эгалари — фермерларга топширилиши, олимларимиз томонидан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Тупроқшўнослик ва агрокемик илмий-тадқиқот давлат институти олимлари томонидан замонавий тадқиқотлар олиб борилиши исбот бўла олади.

Яна бир муаммо — бу Орол денгизи инқирози оқибатида аввал денгиз бўлган 4 миллион гектар ернинг қуриб кетишидир. Шу ердан миллион тонналаб қўм, чанг кўтаришмоқда. Улар ердан кўтарилиб, Оролбўйи минтақасида тарқалмоқда, жумладан, суғориладиган ерларга тушмоқда ва бунинг оқибатида ерлар шўрланмоқда. Бунинг олдини олиш йўлларидадан бири — бу ўрмон мелиоратив ишларини бажаришдир. Ўзбекистон-Германия қўшма лойиҳаси асосида 5 йил ичида қуриган денгиз тўбинини 25 минг гектаридан чўл ўсимликлари экилди. Ушбу зоналарда шамолнинг тезлиги 6 баробар камайди, ўсимликлар эса қўмини ўзида ушлаб, катта масофага олиб чиқишининг олдини олмақда.

Республикаимизда, умуман, Марказий Осиё минтақасида экологик ҳолатни яхшилаш ва бунда 6 июн — Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнига бағишланган қатор тадбирларни кучайтириш борасида "ЭКОСАН" Халқаро ташкилоти 1992 йилдан бўён ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Бир неча йилдан бери "ЭКОСАН" тақлифида бинон Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнига бағишланган экологик ўнқуллик ўтказилмоқда. Шу жумладан, бу йил ҳам қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

## Таълим

Мирқарим МИРСОУРОВ, "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти референти.

## Янгиликлар

### Ҳомийлик ёрдами

**Денов туманидаги "Денов" тажриба хўжалиғи Ҳомийлар ва шифоқорлар йилида кўпгина хайрли ишларни амалга оширяпти.**

Тумандаги 67-мактаб-интернатга 210 минг сўмлик қиз болалар кийими хомийлик ёрдами сифатида топширилди. Шунингдек, тумандаги ўн бешга яқин ташкилот, мактаб, коллежларга ободончилик ишлари учун 700 минг сўмлик атрофида ҳар хил турдаги мева-ли ва манзарали кўчатлар етказиб берилди.

**Урол БЕКМУРОДОВ,**  
**"Денов" тажриба хўжалиғи қасаба уюшмаси кўмитасининг раиси.**

### "Барҳаёт анъаналар"

**СамДУ қошидаги 1-сонли академик лицейда 25 май кунини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида "Барҳаёт анъаналар" фольклор фестивал қўриқ-танловининг виллоят якуни босқичи бўлиб ўтди.**

Қўриқ-танловда голиб деб топилган Булуғтур қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси кейинги босқичда жижазалик ҳамда навойий тенгдошлари билан беллашади.

### "Касблар фестивали"

**Самарқандда "Касблар фестивали" тадбири ўтказилди. Фестивал виллоятдаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида нишонланди.**

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад 9-синф битирувчиларини онгли ва мустақил касб танлашга йўналтириш, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида яратилган шароитлар билан ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла аҳлини яқиндан таништиришдир.

**Ш.БҲУРОНОВ,**  
**Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси.**

### Янги шифохона

**Навойий виллоятининг Учқудуқ туманида "Ҳомийлар ва шифоқорлар йили" давлат дастури бўйича аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ҳўнда тумандаги Кўкпатас қўрғонида ишга туширилган замонавий қишлоқ врачлик пункти шу ҳўдуддаги геологлар ва қорвадорлар, уларнинг оилаларига тиббий хизмат кўрсатади.

Янги шифоқор масканининг физיותרрагия, акушер-гинекология, лаборатория хоналари янги жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган. Виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан мазкур врачлик пунктига «Дамас» русумли «Тез ёрдам» машинаси ажратилди.

**(ЎЗА)**

**Мустақкам таянч**

1991-1994 йилларда Ўзбекистонда солиқ тизимини шакллантириш, бюджетнинг даромад қисминини солиқлар йиғими билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда, қорхоналардан ундириладиган, ўрмондан олиннадиган даромад солиғи ва бир қатор солиқлар бекор қилинган бўлса, даромад (фойда) солиғи, қўшилган қўймақ солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, республикадан олиб чиқиладиган махсулотлар ва хом ашё ресурсларига солиқ солиши белгиланди. Бу эса 1991 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Фукарлари, ҳоржий фукарлар ва фукарликни бўлмаган шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўғрисида"ги қонунга ўзгаришлар киритилиши билан боғлиқ. Шунингдек, ушбу биринчи босқичда "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги янги қонун қабул қилинди. "Қорхоналар,

## Фикр

бирлашмалар ва ташкилотлардан олиннадиган солиқлар тўғрисида"ги қонунга қўшилмалар киритилди.

Иккинчи босқич — 1995-1997 йилларда иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши, яъни халқ ҳўжалигининг иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш ва тузилмавий жиҳатдан ривожлантириш солиқ тизимини ҳам ислох қилишни тақозо этди. Кўплаб қорхоналар ва ташкилотларнинг фойда (даромад) солиғи тулашга ўтиши амалга оширилди. Унинг ўрнатиш таъқисига 37 фоиз этиб белгиланди.

Никоят, учинчи босқич — 1997 йилдан бугунгача бўлган жаҳон иқтисодий тизимига кириб бориш даври. Бу вақтда, таъкидлаш керакки, соҳадаги энг муҳим ўзгаришлардан бири — "Солиқ кодекси" тасдиқлан-

ганлиғи бўлди. Чунки айнан унинг амалиётга жорий этилиши билан солиққа тортишининг барча асос солувчи мейёрларини ягона систематга жамлаш, солиқ тизимининг тизимлаштириш, фойда, мол-мулк, қўшилган қўймақни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортишининг халқроқ мезонлар даражасига кўтаришига имкон яратди. Юридик шахсларга, биринчи навбатда, қичик, ўрта қорхоналар учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва солиқотнинг соддалаштирилган тизими барпо қилинди. Натижада тадбиркорлар иқтисодий асосда умумийлашган, маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамланмаси ўрнига ягона солиқ тулаи белгиланди. Зотан, солиқ тизимининг ислоқ қилиниши ва тақомиллаштирилиши юртимиз таълим иқтисодий сийсатга мутаносибдир.

**Мадина ИГАМБЕРДИЕВА,**  
**Тошкент Миллат институти магистранти.**

**КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХўЖАЛИҚЛАРИ РАҚБАРЛАРИ, ТААБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!**

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS**

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фурголар, 6-15 ўриндикли микроавтобуслари сотади.

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4900 литр сийтмлли ёнгли ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сийтмлли сут ташин машинаси

Ҳақ тўлаш-ИСТАЛТИН ИСҚАА!

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"ГАЗ-3307" русумли газ баллонлари ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли нов ташин машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.  
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.

Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.  
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

<p><b>Бош муҳаррир</b></p> <p><b>Ўткир РАҲМАТ</b></p>	<p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p>Саид АХМАД, Агитай АДИЛОВ, Ҳтам БАҲНОЕВ, Фахриддин КАЛОҲОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.</p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Агрисаннат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b></p> <p>Ҳатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реқлама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87</p>	<p><b>ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:</b></p> <p>Қоракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сийрдарё - 8-367-47-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Ҳоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p><b>Реқлама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</b></p> <p>Тижорат мақола</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p><b>Навбатчи:</b> С.РАҲМОҲОВ</p> <p><b>Сайтфолловчилар:</b> Р.ЕДҲОРОВ, А.САФҲОНОВ</p> <p><b>Бош мусаҳҳиж:</b> Ҳ.ТОШҲУҲАЕВ</p>	
<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>		<p>Газета сешанба, пайшанба ("Ҳайв"-илова), жума кунлари чиқади.</p>	<p>Буюртма Г-817, ҳажми 2 босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00</p>	<p>Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.</p>	<p>1 2 3 4 5</p>